100598

ОТАХОНЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ

ТОШКЕНТ. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида 150 нафар фахрийни чорлаб, Наврўзолди тадбири уюштирилди. Отахон-онахонлар даставвал шаҳримизда «Юнусобод» теннис кошонаси, республика биржа маркази, Олий Мажлиснинг муҳташам биносини бориб кўрдилар, Алишер Навоий ҳайкалини зиёрат қилдилар. Сўнг туманнинг «Қоратош» маҳалласи гузарида гурунг бўлди. Йиғин охирида кам таъминланган, қаровчисини йўқотган фахрийларга туман ҳокимлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси томонидан уюштирилган моддий ёрдам — совғасаломлар инъом этилди.

Соҳибжон САЛИМОВ

БАРВАҚТ ЭККАН ЭРТА ЎРАР

СУРХОНДАРЁ. Гўё куз билан баҳор ораси бир қадамдай. Воҳада бодом гуллади. Ангор туманидаги «Новшаҳар» жамоа ҳўжалигининг Х. Тожиев бошлиқ биргадасида эса вилоятда биринчи бўлиб плёнка остига чигит ташланди. Гап шундаки, бултур пахта тайёрлаш бўйича йигирма миллион сўмдан кўпроқ зарар кўрилган эди. Боиси, экин-тикин ишлари кечроқ бошланган. Шунинг учун ҳам бу йил деҳқончиликка зўр берилмоқда. Ният — юқори ҳосил кўтариш.

Олимжон УСАНОВ

ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ОИЛА ВА ЁШЛИККА БАҒИШЛАНДИ

САМАРҚАНД. Ўзбекистон Бадиий академияси вилоят бўлими ижодкорлари «Наврўз» байрамига бағишлаб А.Икромов номидаги санъат тарих музейида кўргазма ташкил этди. Кўргазмада қадимий шаҳарда ижод қилаётган мўйқалам соҳибларидан Н. Калонов, А. Исаев, И. Муҳаммадиев, Ш.Темиров, Х. Ҳақбердиев ва бошқаларнинг мустақиллик, оила, ёшлик ва муҳаббатга бағишланган асарлари намойиш қилинмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

АНДИЖОН. «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан «Ёш авлод камоли — она-юрт истиқболи» мавзусида семинар ўтказилди. Йиғилишда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари вакиллари иштирок этишди. Республика «Камолот» жамғармаси раиси Х. Абдураимов, Халқаро ислом тадқиқотлари маркази директори М. Нуриддинов, Тошкент Давлат университети профессори Н. Алиқориев ва бошқаларнинг маърузалари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 19 март, пайшанба • № 34 (22.271).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Бўстон шаҳрида бўлган минтақавий семинар-кенгашда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, барча соҳаларда ислоҳотларни янада жадаллаштиришга доир кўрсатма ва йўл-йўриқларнинг изчил бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат инспекциялари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

* * *

«Андижон — Ўш» ва «Андижон — Жалолобод» автомобиль йўллари кесишадиган жойда полициялик мутахассислар билан ҳамкорликда қурилаётган автокемпингда барча русумдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш шаҳобчаларидан ташқари, ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари, маиший ва тиббий хизмат пунктлари, қаҳвахона, савдо расталари ҳам бўлади.

* * *

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида Япония ҳукуматидан жами 120 минг АҚШ доллари миқдорида грант олишга иккита битим имзоланди. Бу грантлар жамғарманинг Тошкентдаги иккита болалар муассасаси—кўзи ожиз болалар интернат-мактаби ҳамда 5-болалар шифохонасини замонавий жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган.

* * *

Мамлакатимизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Бу тадбирнинг нафи бўляптими? Келинг, яхшиси фактларга мурожаат этайлик: шу ойнинг 15 кунида республика бўйича 227та йўл-транспорт ҳодисаси юз берган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83 та камдир. Жароҳатланганлар сони ҳам шунчага камайди. 15 кунда болалар иштирокида 48 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган бўлса, ўтган йилги кўрсаткич (15 кунда) 75 тани ташкил этган. Жароҳатланганлар сони эса ўтган йилга қараганда 21 тага камайган, яъни 34 тани ташкил этди.

* * *

Боғча ёшидаги болалардан тортиб, нафақачиларгача Наманганда Наврўз арафасида ўтказиладиган енгил атлетика бўйича эстафетада қатнашиш иштиёқини билдиришмоқда. Мусобақа ҳомийлигини «Наманган ичимлиги» қўшма корхонаси бўйнига олган. Ғолибларни қимматбаҳо совринлар кутмоқда.

* * *

Хўжаобод пахта тозалаш акциядорлик жамияти ҳузурида тайёрлов курслари ташкил этилди. Мамлакат олий ўқув юртларига киришни хоҳлаган завод ишчилари бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишлари мумкин.

Ўқиш корхона таклиф этган тажрибали ўқитувчилар раҳбарлигида олиб борилади.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

НУРАФШОН НАВРЎЗ

Қанот ёз, эй юрак, табиат қувон,
Фасл ҳам навқирон, биз ҳам навқирон,
Бу офтоб, бу ёшлик бўлиб армуғон,
Қўлда гул, кўзда нур, тилда гўзал сўз,
Бу менинг Наврўзим,
Нурафшон Наврўз.

Навбаҳор боғларга тикар чайласин,
Майсалар яшнасин, қушлар яйрасин,
Куйламоқ пайтидир тинчлик ялласин,
Марҳабо даврага, дўст бўлайлик, дўст,
Бу сенинг Наврўзинг,
Нурафшон Наврўз.

Меҳрнинг конидир инсон кўкраги,
То абад айтилар ёшлик эртаги,
Лаб очиб жилмаяр ҳаёт куртаги,
Сен ҳам гул диёрда ўйнаб-кулиб ўс,
Бу менинг Наврўзим,
Бу сенинг Наврўзинг,
Нурафшон Наврўз!

Ҳусниддин ШАРИПОВ

ЧАНҚОВУЗ НАВОСИ

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Строуб Тэлбот шу ҳафтанинг охиригача Косово вилоятидаги полиция махсус бўлинмаларини олиб чиқиб кетишни Сербиядан талаб қилди. Ўтган сешанба куни кечқурун Македония пойтахти Скопьледа сўзга чиқиб, акс ҳолда Югославия иттифоқига нисбатан иқтисодий чоралар кўрилади, деди.

***

АҚШ Президентининг Болқон ярим оролидаги махсус вакили Роберт Гелбард яна Косовога келди. У Албания мухолифати раҳбарлари билан музокара олиб боради.

***

Ислом конференцияси ташкилоти БМТ билан ҳамкорликда Афғонистонга кўпчиликдан иборат гуруҳни юбормоқчи. Унинг мақсади — Афғонистондаги қарама-қарши кучлар ўртасидаги тинчлик музокараларини йўлга қўйиш.

***

Исроил ва Фаластинга ташриф буюрган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Европа Иттифоқи номидан гапириб, Исроил сиёсатини, чунончи, Қуддуснинг араблар қисмида яҳудийлар истиқомат жойларини бунёд этаётганини қоралади ва бу Яқин Шарқдаги тинчликни таъминлашда асосий тўсиқ бўлаётганлигини таъкидлади. Исроилликлар унинг нутқини яхши қабул қилишмади. Исроил Вазирлар Маҳкамаси аъзоси Денни Навеханинг айтишича, Робин Кукнинг ташрифи ҳеч қандай фойда бермайди.

***

Ирландияда катта миллий байрам — муқаддас Патрик куни нишонланди. Байрам намойишларида бир миллионга яқин ирландиялик қатнашди. Айни пайтда бутун дунёда 70 миллиондан зиёд кишининг илдизи Ирландиядадир. Американинг ўзида Ирландиядан келиб қолган 45 миллион киши яшамоқда.

***

Индонезия Президенти Сухарто ўз маошини камбағалларга тарқатиб берадиган бўлди. У ҳарбий пенсиясига яшашга қарор қилди. Бу ҳақда мамлакат давлат котиби Саадилла Мурсид баёнот берди. Президент Вазирлар Маҳкамасини ҳам ўзидан ўрнак олишга чақирди. Вазирларнинг расмий маоши 4 миллион рупий ёки ойига 400 долларни ташкил этмоқда. Президентнинг маоши ҳақида эса хабар қилинмаган. Маълумки, истеъфодаги генерал Сухарто Осиёдаги энг бой кишилардан биридир. «Форбс» журналининг маълумотларига кўра Сухартонинг 16 миллиард доллар пули бор. Оиласининг капитали эса 40 миллиард доллардан зиёд. Солиштириш учун шуни айтиш керакки, халқаро валюта жамғармаси худди ана шундай миқдордаги маблағни Индонезия иқтисодиётини тиклаш учун қарзга берди.

***

МДҲ мамлакатларининг саммити Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли кечиктирилди.

БАҲОР ЎЙЛАРИ, БАҲОР БЎЙЛАРИ

Сеп ёйиб, баҳор келаяпти.. Майса шошилиб ниш уради. Дарахтлар секин-аста куртак отади. Қушдекман. Кечагина бир даста бойчечакни: «Омонлик, сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик»,— дея кўзларимизга суртдик. Қизалоқларим юзида ҳаяжон: «Ойижон, мен боғчада «Баҳорой» бўлар эканман»,- дея бири хурсанд бўлиб, завқланиб гапирса, «Мен-чи,мен, «Чучумома» бўлиб шеър айтарканман»-дейди иккинчиси.

Фарзандларим юзидаги завқ-шавқ, ҳис-ҳаяжон менга ҳам ўтади. Шу он ўзим ҳам боғча боласи бўлгим, Наврўз байрамини қувонч билан нишонлагим келиб кетди. Афсус, бизнинг болалик давримизда Наврўз байрамига эътибор йўқ эди. Шунинг учун биз ёшлигимизда кўрмаган, завқланмаган Наврўз - Мустақиллик байрамини фарзандларим кўраётганидан беҳад қувондим.

Мунира АЗИМОВА

ОЛТИН ОСТОНА

Оёғим остида топталган замин. Унга озор бердимми?

Болаликнинг олис хотирасидаги чўлнинг бир парчаси. Ёмғир шаррос қуйган кезлари ялангоёқ чопган бўрсилдоқ далалар. Баҳор майсалари ниш урганда қоқи териб югуриклаган тепалик. Ёзнинг жазирамасида ҳансираган чанг-тупроқ кўчалар. Олтин кўздан сап-сариқ тут баргларининг хазонига қопланган замин.

Барида оёқ изларим бордек. Оёғим остидаги замин.

Замин топталмайди. У одамни бағрида тутиб тураверади.

Оёқда мустаҳкам турамиз.

Атрофга боқаман. Ўша тепалик. Негадир болаликда у жуда ҳайбатли кўринарди кўзимга. Уфққа туташган, нигоҳим илғаган қадар далалар ўша-ўшадек. Бирам кенг, чексиз. Болаликда ер тафтини, ҳидини туйиб-туйиб ҳидлардим, қадрини эса мурғаккина тасаввуримга сиққанча хаёл қилардим.

Йиллар ўтди. Кўп нарса ўзгарди. Оёғим остидаги замин ўша-ўша. Менга содиқ. Ҳамон бағрида эркалаб кутариб юради.

Одамларга, атрофдагиларга назар соламан. Ҳамма қаергадир шошади. Эзгу юмушларга ошиқади. Оломон сели орасида бўлса-да, бамайлихотир кетаётган кимсага кўзим тушади. Оёғи остига чор-атроф, ҳатто боши узра мусаффо осмонга-да, лоқайдгина боққандек туюлади менга. Тупроқ тафтини сезмаган банда. Тобора узоқлашиб бораётгандек. Ногоҳон унинг онаси хаёл кўзгусида кўриниб қолади...

Хотира энг катта бойлигим. Қувончлар кўп, шодликлар бисёр хазина. Шулар ичида ҳамиша ўйлашга ундайдиган воқеалар ҳам бўлади. Лоқайд йигит ҳақида шунчаки ўйлай олмайман, ахир у шу замин бағридан тобора олислаб боряпти.

«Гуландом опанинг ўғли келини билан ўша олис юртга бутунлай кетаётибди». Дастлаб буни хушхабар деб қабул қилдим. Хайрлашиш учун хонадонига бордим. Ўй тўла меҳмон. Хорижлик келини Мохина пешвоз чиқди. (Исми асли бошқача, биз айтишга қийналиб ўзимизга мослаб олганмиз). Ҳовли гўё гулзор — сув сепишибди, гуркираб таниш ҳид — ер ҳиди димоғимга урилди.

«Жаннат юрт»га кетаётган келин-куёвга ҳаммамиз ҳавасланибми, ҳайратланибми қараймиз. Негадир шу тобда бир йилча илгари шу хонадондаги тўй кечасини эсладим. «Ўзидан кўпайсин», «Туб ёзиб-палак ёйсин», «Юртининг эгаси бўлсин»...

Яхши тилаклар. Ёшлар бугун хорижга, келиннинг ота-онаси яшайдиган олис, океан ортига кетишяпти. «Биз у ёқда фарзандли бўламиз. Боламиз у ёқда туғилса, ўша юртнинг ҳақиқий фуқароси ҳисобланади. Ойи, сизни чақиртириб оламиз, неварангизни боқасиз, йўқ, йўқ, энага боқади. Сиз фақат буйруқ берасиз».

Бу сўзларни куёв айтдими, келин айтдими, барибир. Она бўлса жилмайиб бош иргайди: «Албатта, болам, ўша кунларга етказсин, мен у ёқларга кўникмасам керак» дейди.

Юрт қўшиғи

Ота негадир шундай кунда ўғли ҳақида эмас, ўзининг умр йўли, шу юртга қилган хизматлари ҳақида гапиради. Сўнг бир уй меҳмонлардан ортиб, кулоб қилиб сув сепилган гулзорга шланг улаб пуркай бошлади. Ҳовлидаги, чет эллардан келтирилган анвойи гуллар сувдан бўй таратади. Мен ҳатто номини ҳам билмайдиган чиройли гуллар ичидан райҳон ҳидини ажратдим. Ер ҳиди, тупроқ иси оламни тутиб кеттандек бўлди. Ота бўлса шитоб билан сув сепаверади. Қўлларига юққан лойни ювмайди ҳам. «Майли, боришсин, дунёни кўришсин, қаерда бўлса ҳам омон бўлишса, бас-да». Уз-ўзига гапирдими буни ёки менгами билолмай қолдим. Кейин негадир қўлидаги сув шлангини ерга шалоплатиб ташлаб юборди. Сув оқиб, кейин сизиб унинг оёқлари остига сингиб кета бошлади. Сал нарига 2-3 метр наригача оқиб келди-ю, тупроққа сингиб, ер нам бўлиб қолди. Назаримда, сувга қўшилиб яна нимадир ер бағрига сингиб бораётир. Ҳаяллаб қолганигами, қариндош-уруғлари отани йўқлабми, бирин-сирин ҳовлига, ўртадаги супага тўплана бошлашди.

— Ош сузамиз, адаси, бу нимаси, хуфтонда шалоббо бўлиб олибсиз, ичкарига... — она меҳмонларнинг кўнглини овлашга уринарди.

— Ҳа-я, дарвоқе, хуфтон... — ота мавҳумроқ қилиб ҳаммани бошлаб ичкарига кириб кетди. Яна даврани кенгроқ оламиз.

«Қандай ажойиб? У ёқда ишни нимадан бошлайсизлар?». «Олдин уқиймиз». «Кейин-чи?», «Ишлаймиз», «Қачон қайтасизлар?», «...». «У ёқда яхши мутахассислар яхши топади, астойдил ишлаймиз-да, билим беришгач», «Фуқаролик бўлишга қийналмасмикинмиз? Бировлар шуниси қийинмиш дейишади?» «Фуқаролигини қабул қилганмиз... қиламиз. Ота-онамиз аллақачон ҳал қилиб қўйишган. Уларга ишониб кетяпмиз-да!».

Фуқаролик! Йигитга тикилиб қолдим. Ёшлигидан биламан. Қутариб, опичлаганман, ахир. Кунглимдан ўтган ўй-ҳавасми, ҳасадми, жигарликми-ётликми, яхшими-ёмонми, аниқ билмайман. Фақат сезганим у мендан узоқда. Гарчи қўлимни чўзсам елкасидан тутсам-да, ўзи жуда узоқда, кунглимдан анча олисда турарди. Туманли ҳис-туйғулар қамраб олди вужудимни.

Шовқин-суронли давра. Ҳеч кимнинг юз-кўзидан бирор маъно уқмадим. Ҳамма «яхши», «дунё кўриш яхши-да» дейди. Даврамизаги энг кексаси «Ёшлар майли дунёни кўрсин, бизга эса юртнинг дўппидек гўшасиям дунёдек кенг...» деган сўзини эшитиб даврадагилар сал сергакланиб қолгандек бўлади. Тўғримда ўтирган ёшгина жувон пинжида ўтирган боласини ўзига яқинроқ тортди.

Ош ҳам сузилди. Шу пайт орамизда Гуландом опанинг сиргалиб чиқиб кеттанини кўпчилик сезмай қолди. Буни фақат отагина билди чоғи. Ҳовлида кўринмади. Тўрдаги уйдан қандайдир овоз келди. Кирдим. Ним қоронғи уйда она тиззалаб чўккалаб ўтирганча нималардир деб пичирлаб, овози титрарди.

— Гуландом опа! Қоронғуда нима қиляпсиз?

Овозимдан ўзим ҳам чўчиб кетдим. Деразадан тушаётган ой ёруғида онанинг юзи қандайдир галати кўринди. Ялт этиб қаради-ю, жойидан қўзғалмади. Икки елкасидан тутдим, турғазмоқчийдим. Қуксига ниманидир босганча тураверди. Вужуди негадир қалт-қалт титрарди. Ўкириб йиғлашдан ўзини тийиб, унсиз йиғларди. Тургач ҳам тик қотиб, қўлидаги нарсани ойнинг ёруғига тутиб қаради. «Нимайкин?» Олиб қарадим: 2-3 яшар боланинг иштончанг тушган сурати. Ўғли! Сурат бир оз ғижимланиб, намиқиб қолибди... «Бутунлай қолишаркан...» У бу икки оғиз калимани суд ҳукмини эшитаётгандек қақшаб айтди. Шундагина отанинг оёғи остидаги сувга сингган унинг изтироби эканлигини англагандек бўлдим. Заминга милт-милт сингаётган сув отанинг кўз ёшига ўхшаб кетди...

Ой нурида болакайнинг юзига яна бир бор тикилдим: ёғоч отга ўнгарилиб миняпти. Бир оёқчаси муаллақ, иккинчи оёқчаси ердан узилай деб, турибди. Чеҳрасида бегубор қулги...

Онага бир оғиз таскин бермадим. Бунинг ҳожати ҳам йўқдек эди.

Юртнинг дўппидек гўшаси олам қадар кенг...

Хотира — кетмас хазина. Майли, унда бироз маҳзунроқ бойлик ҳам асралсин. Шунда қувончу, шодлик қадрига кўпроқ етармиз. Оёқ ердан узилганда унинг нақадар азизлигини чуқурроқ англагандек.

Оёғим остида ястанган замин. Балки уни топтаб юрарман. Она-ер дейдилар. Бу бежизга эмас.

Зотан, она боласининг ҳамма озорларига бардош бераверади. Тепкилаб чопган сайин «Шу юрт меники!», «Шу юрт фарзандиман!» деган ғурур-туйғуси дилда маҳкамроқ жо бўлаверади.

Тупроқ. Олтинга тенг. Замин — она-юрт сендан айирмасин. Сершовқин шаҳар кўчаларида кетяпман-у, кўз унгимда ўша болаликда тепкилаб усган тепалик гавдаланаверади. Ғудаклигимда у жуда улкан эди гўё.

Ер. Осмон. Ўша-ўша. Тиниқ осмонга боқаман. Она-заминда оёқларим мустаҳкам, қаддим ғоздек...

Оёғим остидаги шу тупроқ — Ватан. Дўппидек гўшаси олам қадар кенг. Буюк. Муқаддас. Остонаси олтиндан юрт.

Саида БОНУ

ШИФОХОНАДА БАЙРАМ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида Наврўзи олам кезиб юрибди. Куни кеча Тошкентдаги 1-шаҳар клиник шифохонасида ҳам байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Кечада тажрибали шифокорлар, маҳаллалардан ташриф буюрган оқсоқоллар Наврўз ҳақида, унинг севимли таомлари бўлмиш сумалак, ҳалим, кўк сомса ва бошқа неъматларнинг саломатликка фойдаси, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтириш ҳақида сўзлаб бердилар. Дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

Тантанада куй-қўшиқлар рақсларга уланиб кетди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ДАРОМАД МАНБАИ

Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-цехида янги қурилма учун майдон ҳозирлаб қўйилди. Бу қурилма ўрнатилиб ишга туширилгач, йилига 300 тонна миқдорида кимёвий бўр тайёрланади. Корхона жамоаси шундан кейин 4 миллион сўмгача даромад қилиш имкониятига эга бўлади. Муҳими мамлакатимизда мазкур ҳомашёга бўлган талаб қондирилади.

Суҳробжон ТЎХТАМУРОДОВ

НАВРЎЗ — ШОДЛИК ДЕНГИЗИ

Халқимиз Навруз байрамини узоқ тарихий даврлардан бошлаб то шу кунгача утказиб келмоқда. У халқимизнинг онги ва қалбига шу даражада қаттиқ сингиб кетганки, ҳатто адолатсизлик ва золимликда ном чиқарган совет давлати қанчалик унга қарши курашмасин, барибир йуқ қила олмади. Шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ҳаракати билан совет панжасида сиқилиб ётган Навруз байрами ҳам озодликка чиқарилди. Эндиликда у ҳар бир вилоят, шаҳар, қишлоқ, қўйинки ҳар бир оилада парвоз қиладиган бўлди. Шуни алоҳида уқдириб ўтиш лозимки, Навруз байрами кўз ўнгимизда биринчи маротаба бизнинг республикамизда тикланди ва ривожлантирилди. Сўнгра уни таъсирида Навруз бошқа республикаларда утказиладиган бўлди. Навруз ҳақиқатдан ҳам миллий байрамдир. Зеро, у узбекона тарзда, яъни миллий ҳис-туйғулар, миллий кийим - кечаклар ва таомлар, урф - одатлар, меҳмондўстлик, тотувлик ва тинчлик, аскиялар, пойгалар, дор ўйинлари, рақс ва ашулалар билан утказилади. Худди шу куни юксак чўққиларга кўтарилаётган одоб-ахлоқимиз, эл-юртга содиқлигимиз, мустақиллик ва озодликка тўлиб тошган меҳр - муҳаббатимиз янада кучлироқ яшнайди. Бу йилги байрам узига хос ва мос хусусиятларга эга. Чунончи, у мустақиллигимизнинг етти йиллигини нишонлашдан бир неча ой олдин нишонланмоқда. Мана шу тарихий қисқа даврда жаннатмакон Узбекистонимизда буюк узгаришларнинг ва катта ютуқларнинг содир булаётганининг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Худди мана шу йили республикада изчиллик билан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг нақадар тўғрилиги ва самарадорлигини тан олмаган ва қойил қолмаган мамлакат қолмади, десак муболаға бўлмайди. Энди Навруз тарихига бир назар ташайлик. У кўп асрлардан буён халқни қиш фаслидан сўнг табиат олами билан боғловчи бамисоли кўприкдир. Бунда ҳар икки томон ўртасидаги меҳр-муҳаббат, тарихан шаклланган ўзаро алоқа ва ҳамкорлиги янги ғайрат, кайфият ва қувват билан қадам ташлайди. Навруз куни табиатнинг мўъжизаси бўлмиш баҳор одамларни ўз бағрига тортиб ардоқлайди ва руҳлантиради. Шунингдек, байрамда одамлар кўнгилга тугиб қўйган ниятларини рўёбга чиқишини Оллоҳдан илтижо қилганлар. Улар фалокатлардан, дардлардан ва ташвишлардан холи бўлишликни тилаб, бир-бирларини дуо қилганлар. Узаро аразлаган ёки уришган кишилар ярашганлар. Етим ва камбағалларга, беморларни йўқлаш ва марҳумларни хотирлашга алоҳида аҳамият берилган. Хонадонлар ва кучалар тозаланган, тартибга солинган, одамлар ювиниб, ясанишиб ёқимли кўринишга, хушмуомалали бўлишга ҳаракат қилганлар. Хуллас, Навруз байрами инсонлардаги энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштириб тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечириш, табиатни асраш, унга меҳр билан қараш рамзи ҳисобланган.

Ҳикоя қилинишича, Навруз байрамига буюк Алишер Навоий ҳам катта эътибор берган. Натижада байрам кенг кўламда жуда қизиқарли ўтказилиб халқнинг барча тоифалари фаол қатнашган. Кўплаб шийпонлар қурилиб, уларда шеърхонлик, илмий мунозаралар, диний суҳбатлар ўтказилган, ҳикоя ва афсоналар айтилган.

Бир ривоятга кўра, байрамда Алишер Навоий ва бошқа атоқли кишилар қаторида ўтирган бир нуфузли киши шундай дебди: у байрамдан бу байрамгача ҳар бир кишининг бир ёшга умри қисқаради. Ва нариги дунёга яқинлашиб бораверади. Аммо, одамларга ҳайронман. Бу ачинарли ҳолатга қайғуриш ўрнига ўйин кулгига берилиб, хурсандчиликни изҳор этадилар. Алишер Навоий бунга жавобан дебди: «Тўғри, йил сайин одамнинг умри қисқариб бораверади, лекин бунга Навруз байрамининг дахли йўқ. Бу байрам бўладими ёки бўлмайдими барибир умр ўтаверади. Бироқ, барчага аёнки, ўтган байрамдан то бугунги байрам орасидаги бир йил ичида анча-мунча кишилар оламдан кўз юмдилар. Масалан, ўтган йилги байрамда шу шийпонда бирга ўтирган кишилардан олти киши вафот этди. Шу боис одамлар бугунги байрамга саломат етиб келганликларига минг қатла шукр қилиб хурсандчилик қилмоқдалар. Бундан ташқари Навруз байрамидаги ўйин-кулги ва тотувлик кишиларда тетиклик, орзу-ҳавас, умид ва аҳиллик туйғуларини барқ урдиритиради. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино айтганларидек, агар киши ҳар куни ҳеч бўлмаса ярим соат хурсанд бўлса чарчоғи кетади. Байрамда эса минглаб кишиларнинг хурсандчилиги «шодлик денгизи»га айланиб, қалбларни ҳаяжонлантиради, тўлқинлантиради ва аъзоий баданни ғуборлардан тозалайди».

Буни қарангки, ўша Навруз байрамининг аҳамиятини англамаган нуфузли киши оғир дардга чалинибди. Алишер Навоий уни йўқлаб кирганда дебди: «Аҳволим жуда оғир, яқинлашиб келаётган Навруз байрамини кўриш менга насиб этишига умидим йўқ. Юрагим сиқилади, ҳеч нарса ёқмайди».

— Сиз, — дебди Алишер Навоий, – ҳамма вақт ўйин-кулги ва хурсандчиликдан узоқлашиб бу дунё омонат, нариги дунё боқий деб юргансиз. Худо ҳохласа Навруз байрамида қатнашасиз ва тузалиб кетасиз. Бунга ишончим тўла комил.

— Минг ташаккур, сиздек табаррук зотнинг тилакларини рўёбга чиқишига ишонаман. – дебди, у.

Навруз байрами ҳам етиб келибди. Беморни замбилда шийпонга етказишибди. Бу ерда унга зўр ҳурмат ва иззат кўрсатилиб дуолар ўқилибди, айниқса Алишер Навоий катта эътибор билан қарабди. Буни қарангки, бемор киши руҳи тетиклашиб ва саломатлиги анча яхшиланиб, ўтирадиган бўлибди. «Шодлик денгизи» уни бағрига тортиб аллалагандай бўлибди. У киши бир неча кундан кейин тамомила соғайиб кетибди, тез-тез меҳмон чақириб ўйин-кулги ва хурсандчиликни тарк этмабди. Ҳатто у ўн йил мобайнида Навруз байрамининг ташкилотчиларидан бири бўлиб, уз ҳисобидан кўп қўйлар сўйдириб турибди. Унинг ташаббуси билан байрам томошасига беморларни олиб чиқиш расм бўлиб, кўп кишилар соғайиб кетибди ёки дардлари анча енгиллашган экан.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор.

Қутлуғ кун

Партия ҳаёти

ЮТУҚЛАРИМИЗ САБАБИ

Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги 1997 хўжалик йилида 350 миллион сўм атрофида даромад қилди. Жамоа тасарруфидаги 6000 гектар ер элнинг фаровонлигига хизмат қилмоқда.

— Ютуқларимиз сабаби шуки, одамларимиз — ҳамжиҳат, — дейди хўжалик партия ташкилоти котиби Маманазар Эрдонаев. — Хўжалигимизда деҳқончилик шароити мураккаброқ. 130 та насос билан зироатни суғорамиз. Сувни уч-тўрт қават баландга узатиб берадиган иншоотларимиз бор. Бу катта харажату меҳнатни одамларимиз уддалайдилар.

Ҳамжиҳатликнинг биринчи шарти — кўнгил хотиржамлиги. Билсангиз, оиласидан, жамоасидан, даромадидан, қолаверса, қўшнисидан тинган одамлар хотиржам бўладилар.

Ташкилотимиз ўз фаолиятини худди ана шу доирада юргизишга эътибор беради. Бошланғич ташкилотимизнинг 235 нафар аъзоси бор. Уларни маҳалла билан ишлаб чиқариш масалаларини боғлаб турган халқ вазифасини бажаряпти, десам, муболаға бўлмас.

Ташкилотимизнинг ишлаш тартиби шундай: биз биронта муаммонинг пишиб етилишини кутиб ўтирмаймиз. Аксинча, одамларнинг бизга (ё маҳалла раисига) қилган мурожаатлари, партия фаолларининг кундалик кузатувлари, хўжалик ишидаги камчиликларнинг юзага чиқиб қолиши бизни ҳаракатга келтиради. Лозим топсак, кенгаш чақирамиз. Кенгашда одамларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитамиз. Сўнг бир қарорга келамиз. Қарорнинг бажарилиши бўлса бевосита партия ташкилоти назоратида бўлади.

Гектарига 37 центнердан пахта, мўл ғалла ҳосили етиштирдик. Бир ярим минг гектарда яратган мевали боғимиз ҳосилга кирди, даромадимиз шунга яраша бўлди. Даромад — одамларнинг манфаати дегани. Жамоа аъзоларига буғдой, пахта мойи, шоли бериб боришдан ташқари, маошни нақд пул билан тўлаш имкониятларини қиляпмиз. Яхши ишлаганлар рағбатлантирилиб бориляпти. 6 мингга яқин хонадонларимиз газлаштирилган. Узоқ қишлоқларимизга ичимлик сув қувурлари тортилган.

Бошланғич ташкилотимиз фаоллари республика Олий Мажлисининг X сессиясида Президентимиз И.А.Каримовнинг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш мавзуидаги сермазмун нутқи мазмунини одамларга тушунтирмоқдалар.

Хўжалигимиз бир неча ширкатлар мажмуидан иборат. Ҳар бир ширкат ерни ижарага бериш, оила пудратини жорий этиш тартибида ишламоқда. Ҳисоб-китобларимиз пухта. Биз барча жабҳада одамларнинг манфаати, иродаси, орзу-умидларидан келиб чиқиб, уларга камарбаста бўлиб меҳнат қиламиз.

Котиб сўзини оққа кўчирувчи
Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Менда таклиф бор

БАЙРОҒИМИЗНИ БОЛАЛИКДАН ТАНИСАК

Икки йилдан бери «Ўз-СИЛМ» маърифий уюшмаси Ўзбек-турк ўғил болалар лицейининг тайёрлов синфларида қўшимча равишда дарс бериб келаман. Лицейда ўқувчиларнинг илм олишига бўлган қизиқишлари анча баланд. Ўқувчининг ўқитувчига, ўқитувчининг ўқувчига бўлган муносабати, муомаласи ҳавас қиларлик даражада эркин. Ораста, бир хил кийинган ўқувчилар ҳар бир кишини «Ассалому алайкум!» деб кутиб олишади, «Хайр, яхши боринг!» сўзлари билан кузатиб қўйишади.

Лицейда ўқиш-ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ўқитувчилар учун яхши шароит мавжуд. Лицейлар бош мудирлиги ўқиш-ўқитиш ишларини янада юқори поғонага кўтариш мақсадида қўшимча қўлланма ва тавсияномалар чиқариб турибди. Лицейдаги дарслар ўзбек, инглиз ва турк тилларида. Тайёрлов синф ўқувчилари бир йилда инглиз ва турк тилларини яхши ўрганиб, бемалол гаплаша оладилар. Иккинчи ўқув йилидан эса математика, физика, кимё, биология сингари табиий фанлар инглиз тилида ўқитилади. Ўқувчилар билими мунтазам равишда тест синовлари асосида баҳоланиб, юқори кўрсаткичга эга бўлган ўқувчилар рағбатлантирилиб юборилади.

Қисқаси, Ўзбекистон маориф тизимидаги бундай ўзгаришлардан ўрганиш, республикадаги бошқа лицей ва мактабларга ҳам ижодий татбиқ қилиш мумкин бўлган ўринлар талайгина. Масалан, яқинда Ўзбек-турк лицейлари бош мудирлиги «Чет элликлар учун ўзбек тили» қўлланмасини чоп эттирди. Жаҳон андозалари даражасида ишланган бу китоб ҳар қандай кишини ўзига жалб қила олади. Китобнинг дастлабки саҳифаларида Ўзбекистон байроғининг тасвири, миллий мадҳиямиз матни берилган. Ўзбек тилида нашр этилаётган дарсликларимиз ҳам шунга ўхшаш Ўзбекистон байроғи, герби, харитасининг тасвири, миллий мадҳиямиз матни билан бошланса, қандай бўларкин? Ёки лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчилари душанба куни дарс бошланишидан олдин лицей ҳовлисида тўпланадилар. Ҳар қайси синф алоҳида-алоҳида қатор туради. Ўқувчилар олдига Ўзбекистон ва Туркия Республикаларининг байроқлари олиб чиқилади. Барча биргаликда дастлаб Ўзбекистон, сўнгра Туркиянинг мадҳияларини юят кўтаринки руҳда айтади. Ўзбекистон мадҳияси айтилаётганда барча ўқувчиларнинг кўзи Ўзбекистон байроғида, Туркия мадҳияси айтилаётганда Туркия байроғида бўлади. Жума куни дарсдан кейин ҳам шу ҳолат такрорланади. Нақадар гўзал манзара! Лицейда ўқувчиларга Ватан, миллий давлат тушунчаси шундай сингдирилмоқда. Барча таълим тизимида ўқувчилар ҳафта бошидаги дарсларни мадҳияни айтиб бошласа, ҳафтани мадҳияни айтиб тугатса, яхши бўлмасмикин?

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ



Ҳув анаву ерда Навруз бўляпти, ўша жойга борамиз.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Хатлар, хатлар, хатлар

БУ ДОРИ АНҚОНИНГ УРУҒИМИ?

Ёшим 60 дан ошди, нафақадаман. Узоқ йиллардан буён қандли диабет касаллигидан азоб тортиб келаман. Авваллари туманимиз поликлиникасидан қандли диабет хасталиги учун ишлатиладиган Adiuretin--SD препаратини харид қилиб турувдим. Афсуски, 1994 йилдан бошлаб, туман эндокринолог врачи Собиржон Матрасуловнинг таъкидлашича, дорихоналаримиз умуман бу препаратни олмаган. Ҳозирга келиб эса... Дорисиз жуда қийналиб қолдим. Ўз пулимга ҳам дори тополмаяпман. Гўё бу дори анқонинг уруғига айланиб қолди-да.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бизга ўхшаган беморлар аҳволини ҳисобга олиб, туман эндокринолог врачи ҳисобида турувчиларни Adiretin--SD препарати билан таъминлаш борасида тегишли чора-тадбир белгиланишини умид қилиб қоламан.

Ойша МАТНАЗАРОВА,
Хоразм вилояти Боғот тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.

ЎЗГАРАЁТГАН ТАФАККУР

ЁХУД ЧОРВАЧИЛИКДА МУЛК ТАҚДИРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

1. ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ ВА ХЎЖАСИЗЛИК

Шаҳрисабзлик фермер Муртазо Мусурмонов бир суҳбатда қизиқ фикрни айтди:

— Туманимиздаги жамоа хўжаликларидан бири ўтган йил 150 тонна сут ишлаб чиқарди. Мен эса, шахсий фермер хўжалигим ҳисобидан 50 тонна сут олдим. Жамоа хўжалиги фермасида 200 бош, менинг қарамоғимда эса 50 бош соғин сигир бор. Гап фақат бунда эмас: жамоа хўжалиги қарийб 500 гектар ердан фойдаланди. Менга эса 9 гектар ер ажратилган. Ўртадаги фарқни энди ўзингиз қиёслаб кўринг: ҳар бир гектар ер ҳисобига неча литрдан сут олинган?!

— Хўш, кўрсаткичларнинг бир-биридан бундай кескин фарқ қилишининг асосий сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Шахсан ўзим бунинг сабаби мулкка бўлган муносабатда, деб ўйлайман. Хўжалигимдаги сигирлар аввало ўзимнинг шахсий мулким. Уларни қанча парвариш қилсам, қорнини тўқласам аввало шундан биринчи навбатда ўзим фойда кўраман, бойийман. Аммо жамоа хўжалиги фермасида аҳвол бундай эмас. Хўжалик қарамоғидаги сигирлар ҳеч кимнинг шахсий мулки саналмайди. Меҳнатга муносабат мана шундан келиб чиқади. Энди буёғини ўзингиз хулоса қилиб олаверинг...

Инсоннинг имкониятлари чексиз, қўли гул дейишади. Агар у қилаётган ишидан манфаатдор бўлса, меҳнат ўзини улуғлашини, рўзғорини обод, турмушини фаровон этишини ҳис этса, шубҳасиз, ғайрат-шижоати, қалб қўрини бериб ишлайди, тенгсиз мўъжизалар яратади.

Бугун давр ўзгарди. Одамлар ҳаётга бошқача назар билан қарашмоқда. Бугун оддий деҳқон ёки чўпоннинг кўнглида мулкка эгалик туйғуси уйғонгани ва шу туйғу уни яхши ишлашга ундаётгани, табиийки, ҳар бир кишини қувонтиради.

Илгари бу қадим юртда чорвачилик юксак ривож топган: бу соҳада халқимизнинг олдига ҳеч ким тушолмаган. Одамларнинг рўзғори чорванинг ортидан ўтган, қураси қўйга, кўзаси мойга тўлган. Аммо шўро даврида азалий анъана ва тажрибага путур етди. Одамлар кечаю-кундуз пахтадан ортмади. Катта-катта яйловлар бузилиб пахта майдонига айлантирилди.

— Ўша пайтда ҳовлимизда ҳам сигир боқишнинг уддасидан чиқолмай қолгандик, — деб хотирлайди қариялардан бири.

— Қишлоқда яшасак-да, сут-қатиққа ёлчимасдик. Мол боқиладиган яйловларга пахта экилди. Ўзимиз эса кечаю-кундуз пахтадан ортмасдик.

Шўро давридаги манзара аслида бундан ҳам аянчлироқ эди. Бугун эса барча соҳалар қатори чорвачиликка ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Ҳозир қишлоққа борган киши буни ҳар қадамда ҳис этади.

Косон туманидаги «Шомурод ота» хусусий фермаси бундан тўрт йил муқаддам тузилган эди. Унга Жонмурод Алланазаров бошчилик қилиб келади.

Ўша кезларда, рости гап, қишлоқларда аҳвол бошқача эди. Давр ўзгарган, аммо ҳаётга узлуксиз кириб келаётган янгилик ва ўзгаришларга ҳали одамлар кўникиб улгурмаган эди. Жонмурод аканинг шахсий фермер хўжалиги ташкил этиш ташаббуси ҳам кўпларни ажаблантирган. Одамлар бундай саъй-ҳаракат замирида нималар ётганини тушунмаган. Жонмурод аканинг қарамоғида тўрт йил илгари 60 бош қорамол бор эди. Ҳозир уларнинг сони 300 тага етди. Яна денг, булар ёнига 60 та от, 40 бош туя, 300 бош майда мол қўшилди. Буёғини сўрасангиз, кейинги икки йилда шифохона ва болалар боғчасига сотган гўшт миқдори накд 432 тонна! Бу, айтиш керакки, битта шахсий фермер хўжалигининг ютуғи. Ҳеч кимга сир эмас, баъзи жамоа хўжаликлари шунча маҳсулот топширишга қурби етмайди.

Хўш, бундай юқори кўрсаткичлар замирида нима ётибди? Аввало шуни айтиш лозимки, Жонмурод ака эришган бу ютуқ қачонки мулк хусусийлашса, ҳақиқий эгаси қўлига ўтса юқори кўрсаткичларга эришиш муқаррар эканлигини тасдиқлайди.

Давлат ёки жамоа хўжалиги фермаларида илгаригидек боқимандалик, ўзибуларчилик кайфияти кучли. Улар моллар қирилиб кетиши, насли пасайиши ва туёқ сони камайишидан чўчиб ўтиришмайди.

Нега?

Буни Жонмурод ака шундай изоҳлайди:

— Айтайлик, жамоа хўжалиги қарамоғидаги сигирнинг оёғи синиб қолди. Ветврачни чақирсанг келмайди ёки дори-дармон йўқлигини баҳона қилади. Шунда чўпон нима қилади? Албатта, сира иккиланмай ҳалиги сигирни сўяди-да, акт қилади. Икки сонини ўзига олиб, қолганини озғинлиги учун арзон нархда биронта ошхонага топширади. Агар шу чўпоннинг ўзига тегишли сигирнинг оёғи синса-чи? Дарров давосини топади, пичоқ олиб югурмайди.

Агар эгалик ва хўжасизлик кайфияти ўртасидаги фарқни содда қилиб ифодалайдиган бўлсак, шундан иборат.

2. СЖК ФОЖИАСИ. УНИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН?

Шўро замонида Қашқадарё воҳасида бир чўпон бор эди. У ўзининг 500 та қўйини совхознинг 500 та қўйига қўшиб боқарди. Аммо у ўз совлиқларининг қўзисини ҳам давлатга топширарди. Қўйларни «СЖК» билан қочириш одат тусига кирган эди. «Дорилланган» қўй 4—5 тагача қўзиларди. Лекин орасида тириги кам бўларди. Ўша пайтда давлатга сифат эмас, сон, яъни режа муҳим эди.

Шўро даврида бир кишининг 500 та қўйи бўлиши бориб турган жиноят ҳисобланарди. Шунинг учун бўлса керак, ҳалиги чўпон ўзининг отари кўпайишидан сира манфаатдор эмасди. 100 бош қўйга 220 тадан 360 тагача қўзи топширар эди. Давлат буни биларди. Аммо унга шунақа «ўрнак бўлгулик қаҳрамонлар» керак эди. Аслида «қаҳрамон»ни етиштирган ҳам, СЖКни ўйлаб топган ҳам шўро давлатининг ўзи эди. Оддий чўпондан чиққан «герой депутат» деб кирза этигини мойлатиб олиб, съезд ва анжуманларга судрар, кўз-кўз қиларди.

— Ота-боболарим ҳам чорвадор ўтишган, — дейди Жонмурод ака. — Мен замонанинг зайли билан пахтада ҳам ишладим, бошқа касб-корнинг этагини ҳам тутиб кўрдим. Лекин қонимда чорвадорлик борлиги учунми, мол парваришлашга жуда қизиқардим. 1985 йилда калхўзимизда бор-йўғи битта туя бор эди. Уям раисники эди. Аммо ўша даврдаги талотўпда гдлаянчи, ивановчилар раисимизни «Ҳатто туясиям бор бунинг», деб тоза обориб-опкелишган. Мен бўлсам ўша пайтдаям туя боқсам, деб орзу-ҳавас қилардим. Мана, тўрт йилдан буёнги саъй-ҳаракатларим туфайли битта эмас, накд қирқта туялик бўлдим. Бундан мен раҳмат эшитсам эшитяпманки, панд еганим йўқ. Топширган, сотган гўштларим билан қўшиб ҳисобласам минг қўйли бойман-да, тўғрими? Мана, ўша 432 тонна гўштнинг бир қисмини, яъни ўзимга керагини егандирман, лекин асосан халқ фойда кўряпти-ку! Фермер аввало шуни ўйлаши керак.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун биринчи навбатда ҳақиқий замин зарур. Юртимизда истиқлолдан сўнг шундай шароит яратилди. Ҳар бир туманда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди. Уларга ер ажратилди, имтиёзли қарз бериш йўлга қўйилди. Бу, албатта, яхши. Аммо ишнинг ривожи, муваффақияти учун аввало кишининг ўзида қизиқиш бўлиши керак. Ҳаётда осон касбнинг ўзи йўқ. Ва ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Хусусан, чорвачиликнинг ҳам машаққатли ва оғир томонлари кўп. Агар юрак ёниб турмаса, масъулиятни ҳис этмаса, киши бирон натижага эришиши мушкул.

3. ЧОРВА АСЛ ЭГАСИ ҚЎЛИГА ЎТСИН

Нурободлик бир танишимиз шундай ҳасрат қилиб қолди:

— Яхши ният билан укам совхознинг минг бош қўйини хусусийлаштириб олганди. Туппа-тузук иш бошлади. Бундан биз ҳам хурсанд бўлдик. Аммо кўп ўтмай босар-тусарини билмай қолди. Қўйларнинг бир қисмини сотиб машина олди. Кейин уни авария қилиб, касалхонага тушди. Бу борада қўйларнинг қолгани қаровсизликдан қирилиб кетди...

Албатта, қизиқмаган, фақат ўз фойдасини кўзлайдиган киши масъулиятни ҳам ҳис этмайди. Чорва мана шундай босар-тусарини билмайдиган кишилар қўлига тушса, шўри қурийди, деяверинг. Чорвани, чиндан ҳам хусусийлаштириш керак, бугунги куннинг талаби ҳам шу, лекин уни асл эгасига топшириш зарур.

Бу борада Жонмурод аканинг юзи ёруғ. У гарчи, чорва олими бўлмаса-да, катта ҳаётий тажрибага эга, кўзи пишиб кетган, бир қарашдан молнинг зоти, ёши, иллатию-«таржимаи ҳоли»ни айтиб беради. Зотдорлиги ва хислатини ҳам кўз қирини ташлаб сезади.

— Агар бузоқнинг зоти яхши бўлса, бир ёшда билдиради, икки ёшда яхши сигир бўлади, — дейди Жонмурод ака.

У наслдор молларни қидириб Болтиқбўйига ёки Белоруссияга бориш шарт эмас, деб ҳисоблайди: — Туя Қозоғистонда, от Қирғизистонда бор, одамлар у ёқлардан бозорга олиб келяпти-ку! Ўзимизда ҳам наслдор моллар кўп. Фақат уларни қандай парваришлашни билиш керак.

Эҳтимол, ростдан ҳам шундайдир. Аммо гап қорамолга бориб тақалса, бизда жайдари моллар ҳаддан ташқари кўп эканлигини тан олмай илож йўқ.

Жонмурод ака яхши билади: наслли молнинг жайдарисига қараганда, бир талай фойда томонлари бор. Тўғри, наслли мол кўп емиш ейди. Аммо шунга яраша сут ҳам беради. Битта наслли мол ўнга яқин жайдари молнинг сутини бериши мумкин.

Хўш, шундай экан, биз учун қайси бири афзал: жайдари молми ёки наслли? Ҳар бир хонадонда 5—10 бошдан қорамол сақланса, бир жамоа хўжалигида бу кўрсаткич қанча фойда, қанча зарар келтиради? Агар зарарни ҳисоблаб кўрсак, ўн миллион сўмдан кам бўлмайди. Нега дейсизми?! Ахир, биз айтаётган моллар шу жамоа хўжалигининг емини, хашагини ейдими? Мана, гап қаерда. Ёки олайлик, хўжаликда ҳар хил турдаги моллар ичида 200 боши жайдари сигирлар. Бир йилда уларнинг юз эликтаси болалайди, дейлик. Аммо уларнинг ҳам ҳаммаси сут бермайди, юз ёки юз йигирматасидан, жами уч юз литрдан зиёд сут соғиб олинади. Дўконда эса, бир литр сутнинг баҳоси 15 сўм. Хўш, бундан кимга фойда: халққами, хўжаликками?

Қисқаси, бугун чорвачиликда наслдор молларни кўпайтириш асосий муаммолардан бири саналади. Чорвачилик ривожи кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Бу соҳанинг юксалиши учун айни кунда қизғин илмий изланишлар олиб бораётган олимлар ҳам йўқ эмас.

4. ҚЎРАМИЗ ҚЎЙГА, КЎЗАМИЗ МОЙГА ТЎЛАДИ

Биология фанлари доктори, профессор Миразиз Аҳмедов Ўзбекистон Фанлар академияси генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институтида ишлайди. Ўз соҳасининг билимдони, тиниб-тинчимайдиган инсон. Пахта, дон ҳосилдорлигини кўпайтириш бўйича бир талай илмий ишларнинг муаллифи. Молларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш бўйича ҳам изланишлар олиб боряпти. Миразиз ака янги турдаги омухта ем ўйлаб топди. Бу тажриба участкасида синаб ҳам кўрилди. Янги озуқа тўйимлилигидан ташқари молларнинг вазнини тез орада бир неча баробар ошириб юборади.

Излаган имкон топади, дейишади. М. Аҳмедов Янгийўл туманида илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этди. Албатта, бу иш осон кўчгани йўқ, у тинимсиз елиб-югуришлар, баъзан қайси бир амалдорнинг қаршилигини сабр билан енгиш эвазига амалга ошди. Бирлашма ўзининг қарийб 400 гектар ер майдонига эга. М. Аҳмедовнинг нияти қутлуғ, у хориждан 350 бош голланд сигири ва буқаларидан келтириб шу ерда урчитмоқчи.

— Чорвачиликнинг ривожида молларнинг наслини яхшилаш муҳим ўрин тутади. Дунё тажрибаси ҳам бугун шуни кўрсатмоқда, — дейди М. Аҳмедов. — Голландиядан зотдор сигирлар олиб келганмиз. Голланд моллари бизнинг шароит ва иқлимга тез мослашади. Бирлашмамизда, шунингдек, аспирантлар ва илмга интилган толиблар ҳам амалий машғулотлар олиб боришади, тажрибалар ўтказишади. Айни чоғда бирлашмада чорва маҳсулотлари: сариёғ, пишлоқ, сут ва сутдан тайёрланган маҳсулотлар, гўшт, колбаса ишлаб чиқарилмоқда. Шунга яраша технологиялар жорий этилиб, цехлар ишга туширишни мўлжаллаяпмиз.

Жонмурод ака ҳам даставвал 12 нафар кишини иш билан таъминлаган эди. Бугун 60 нафар чорвадор у киши билан бирга меҳнат қиляпти. Уларнинг ҳам рўзғори обод.

Халқимиз орасида бундай тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган кишилар кўпайса, кони фойда. Чунки бир одамнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги минглаб одамнинг бошини бир жойга бириктириши, эзгу мақсадлар сари ундашини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президентимиз хорижий радиостанцияларнинг мухбирлари билан суҳбатда, ислоҳот тепадан эмас, аввало пастдан бошланиши керак. Ислоҳотларнинг бошланиши, ҳар қандай ўзгариш, янгиланишни одамлар пастдан сезиб, шунга интилишида кўринади. Бу ислоҳотлар одамларнинг тафаккури, онги ўзгараётганини билдиради, деган фикрни айтиб ўтдилар.

Бу гаплар айнан қишлоқ хўжалиги, айниқса, тўкинчилик манбаи бўлмиш чорвачиликка бевосита дахлдор. Зотан, истиқлол инсон имкониятларини юзага чиқармоқда. Бугун жамиятимизда янги — мулкдорлар қатлами пайдо бўлди. Албатта, бундай юраги ёниб турадиган одамларнинг ғайрат-шижоати билан қўрамиз қўйга, кўзамиз мойга тўлади.

Шодиқул ҲАМРОЕВ,
Собир ЎНАР

«ЎЗПАХТАСАНОАТСОТИШ» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан бери ўтган
қарийб етти йил мобайнида мамлакатимизда
қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилди.
Кўплаб хорижий мамлакатлардаги ҳамкорлар билан биргаликда
ўзаро иш юритилиб, юксак ижобий натижаларга эришилди.
Ушбу йилимиз ҳам яхши бошланди. Қишда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши
бу йил пахта ҳосили мўл бўлишидан бизни умидвор қилади.
Демак бизнинг корхоналаримизга ҳам қайта ишлаш учун кўплаб хомашё келади.
Биз эса ана шу «оқ олтин»дан сифатли тола чиқариб,
юртимизнинг бойлигини оширишга ҳаракат қиламиз.
Баҳор, янгиланиш, яшариш байрами бўлмиш Наврўз билан
мўл ҳосил иштиёқида ёнаётган пахтакорларимизни табриклаймиз.
Мустақил Ўзбекистонимиз бундан буён ҳам гуркираб ривожланаверсин,
жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилиб бораверсин.
Юртимизда яшаётган ҳар бир миллат хонадонларидан тинчлик,
хотиржамлик, дастурхонларидан эса қут-барака аримасин!

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси жамоаси.

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ

«ЎЗМАЛОЙЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Мамлакатимизнинг барча аҳолисини баҳор, яшариш, янгиланиш байрами — Наврўз билан қизғин муборакбод этади!

Ўзбекистонда Оила йили яхши бошланди.

Қишда ҳам ёғингарчиликлар сероб бўлди.

Демак, юртимизда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш имконияти бор.

Шу боис ҳам бу йил янада тўкинчилик бўлади, деб ўйлаймиз.



Қутлуғ байрам кунларида ўзбек халқини қутлар эканмиз, ҳар бир хонадонга қут-барака, тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тилаймиз!

ОСИЁ-ВЕСТ

OSIYO WEST

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ — ИСРОИЛ

«ОСИЁ-ВЕСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

барча ўзбек халқини улуғ айём

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади.

Умумхалқ байрами кунлари мамлакат аҳолисини табриклар эканмиз, юртимизда баҳор чечаклари доимо гуркираб, яшнаб туришини истаймиз.

«Оила йили» деб эълон қилинган 1998 йилда ҳар бир хонадонда, ҳар бир шаҳару қишлоқда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурсин. Ушбу заминда яшайдиган оилаларнинг дастурхони тўкин ва файзли бўлишини тилаб қоламиз.

«ҒАЛЛА – АЛТЕҒ»

ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами —

«НАВРЎЗ»

муносабати билан қизғин муборакбод этади.
Биз республика иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида халқимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Айниқса, мамлакатимизнинг дон ва нон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ҳормай-толмай тер тўкамиз. Шуниси қувончлики, 1998 йил ўлкамизда яхши бошланди.

Қиш фаслида жуда кўп қор-ёмғирлар бўлди. Бу юртимизга Аллоҳ-Таолонинг оби-раҳмати ёғилди, демакдир.



Бинобарин, тенгсиз қир-адирларимизда гуркираб ўсаётган бебаҳо неъмат — ғалламиз бундан баҳраманд бўлиши муқаррар. Зеро, ҳар бир ниҳол ёзда ўриб олинадиган миллионлаб тонна донимизга асосий заминдир.

Ўз навбатида бу хомашё сифатида бизнинг корхонамизда қайта ишланиб, халқимизга мўл ун маҳсулотлари етказиб берилади.
Мустақил мамлакатимиз фуқароларини баҳор, яшариш, янгиланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик, осойишталик, тотувлик бўлишини тилаймиз. «Оила йили»деб эълон қилинган 1998 йилда ва ундан кейин ҳам халқимиз дастурхони тўкин бўлсин!
Биз эса ана шу эзгу ниятлар амалга оширилиши йўлида ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 2-11-49;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ТОШНИЁЗОВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01046

Босишга топшириш вакти 21.00.
Топширилди 21.00.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА